ЎЗБЕК ПОЭМАЛАРИДА САЖНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Д. Қувватова

В статье на примере использования саджа (рифмованной прозы) рассматривается вопрос места и значения фольклорных стилизаций в художественной структуре современной узбекской поэмы.

In this article an example of use sedge (ryfmatic of prose) the question of a place, meaning folklore stylization in art structure of a modern Uzbek poem are considered.

Ўзбек халқ достонлари сюжети, композицияси, образлар олами, мотивлари барча даврларда ёзма адабиёт асарлари услубининг равонлашувига, миллийлиги ва халқчиллигини оширишга хизмат қилиб келган. Айниқса, XX аср ўзбек поэмачилигининг тараққиётида халқ достонлари етакчи омил вазифасини ўтади. Бу даврда халқ достонлари руҳида поэмалар ёзиш кенг тарқалди.

Ўтган асрнинг 20-30 йилларида халқ достонлари услубига хос бармоқ шеърий тизимида яратилган поэмалар кўпчиликни ташкил қилади. Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Элбек сингари шоирлар, асосан, шу анъанага таяниб достонлар ёздилар. Бу эса жанр тарихида алоҳида ҳодиса ҳисобланади.

XX асрнинг 60-80 йилларида мазкур ҳолат янада кучайди. Э.Воҳидов, Т.Сулаймон, О.Ҳожиева, С.Саййид сингари шоирлар халқ достонлари услубида асарлар яратдилар. Бинобарин, Тўра Сулаймоннинг “Қорасоч”, Э.Воҳидовнинг “Орзу чашмаси”, О.Ҳожиеванинг “Нажот”, Т.Низомнинг “Уч сўз”, С.Саййиднинг “Тўполондарё билан хайрлашув” каби асарлари мулоҳазаларимизга ойдинлик киритади. Уларда халқ достонлари услубига хос: а) наср ва назм уйғунлигида ёзиш; б) сажъ санъатини қўллаш; в) назмий қисмда анъанавий бармоқ вазнини истифода этиш; г) эпикликка ёндашиш; д) халқ достонларига хос ритмик оҳангдорликдан ҳамда анъанавий эпик мотивлардан фойдаланиш сингари жиҳатлар ёрқин кузатилади. Хусусан, сажни қўллаш поэмачиликда эпик тасвир имкониятларини кенгайтирди. Буни шу даврда яратилган бир неча достонлар мисолида асослаш мумкин.

Бинобарин, Ойдин Ҳожиеванинг “Нажот” достонидаги воқелик баёнида насрдан ҳамда у билан баробар саждан фойдаланиш, шеърий қисмида бармоқ вазнини қўллаш ҳамда “Кунтуғмиш” халқ достони мотивларига мурожаат қилиш ҳолатлари кузатилади. Асарда шахсга сиғиниш, турғунлик йиллари фожиалари халқ достонларига хос сажъ усулидан фойдаланган ҳолда тасвир этилган:

“Хулласи калом, “отанг-пахта”, “онанг - пахта” замон бўлиб, ёшу қари пахтага андармон бўлиб, келинчаклари ранги сомон бўлиб, гўдаклари рамақдажон бўлиб, илиги пуч бўлиб ўсаверди, кўзларини пахтанинг гарди тўсаверди”. Парчадаги *замон, андармон, сомон, рамақдажон; ўсаверди, тўсаверди* каби сўзлар насрдаги қофия бўлиб, ички оҳангдорликни юзага келтирган. Айни шу қофиядош сўзлар халқнинг аянчли аҳволини ёрқин тасаввур этиш имкониятини беради. Ёхуд бошқа бир ўринда шоира: “Қайта қуриш шамоли эсиб, умид ниҳоллари куртак ёзиб, ўзбек ўзини инсондай сезиб, томирларида боболари ғурури сизиб, увиши қолган қони қизиб, лоқайдлик занжирларини узиб, ўз юртимга бек бўламан деб юрган замони”, - деб ёзади. Бу парчадаги *эсиб, ёзиб, сезиб, сизиб, қизиб, узиб* сингари сўзларининг оҳангдошлиги асосида гўзал сажъ ҳосил

қилинган. Айни шу сўзлар орқали янги давр шабадалари эсаётганидан дарак берилаётир. Демак, сажъ усули шоирага поэтик фикрни таъсирчан қилиб тасвирлашга кўмак берган.

Тўра Сулаймоннинг "Қорасоч" поэмасида воқелик деярли бошдан-оёқ наср ва назм уйғунлигида сажъ воситасида акс эттирилган. Достоннинг назмий қисми бармоқда ёзилган. Ҳажм нуқтаи назаридан ҳам у халқ достонларига яқин туради. Шу орқали достоннинг эпик руҳи таъминланган.

Адабиётимизда аёл садоқати ҳақидаги асарлар алоҳида тизимни ташкил этади. "Қорасоч" достони ҳам шу мақсадни кўзлайди. Поэманинг бош қаҳрамони руҳий-маънавий жиҳатдан С.Зуннунованинг "Руҳ билан суҳбат" достонидаги, Миртемирнинг "Тошбу"сидаги, А.Ориповнинг "Аёл" шеъридаги қаҳрамонларга яқин. Фақат Т.Сулаймон услубининг ўзига хос жиҳати, ҳаётий воқеликни халқ достони услубида баён этганида намоён бўлган. Бу ижодкорга уруш йилларида халқимизнинг фронт орқасида туриб кўрсатган меҳнат қаҳрамонликларини эпослардаги каби кўламдор, батафсил тасвирлашга йўл очган. Натижада бадийяти ва ҳажми жиҳатидан халқ достони даражасидаги бир яхлит асар дунёга келган. Достоннинг наср қисмида воқелик бошдан-оёқ сажъ усулида тасвирланиб, эпик баён қилинган. Бу эса халқ достонларига хос анъанавий усулдир. Айтиш мумкинки, шоир ана шу анъанани муваффақиятли давом эттириб, воқеликни сажъ орқали ифодалаш йўлидан борган. Буни достоннинг дастлабки саҳифаларидан то сўнггигача кузатиш мумкин. Масалан: "Замбарак *тўпчиларимиз*, найзали *ўқчиларимиз*, осмонда *учувчиларимиз*, ерда *қирувчиларимиз* душманнинг додини бериб тура берсин. Энди гапни оқтовликлардан – бахшили-*ботир* юртдан, ҳар мушкулни ҳамиша енгишга *қодир* юртдан, ўктам *баҳодир* юртдан, кўрмаган, билмаган тамом армонда юртдан эшитинг"[1;8]. Эътибор берилса, парчадаги *"тўпчиларимиз", "ўқчиларимиз", "учувчиларимиз", "қирувчиларимиз"; "ботир", "қодир", "баҳодир"* сингари сўзлари ички оҳангдорликни вужудга келтиришдан ташқари эпик баён усулини ўзида намоён этади.

"Сўзга чиқувчилар шу йўсинда чин кўнгилдан куйиб-*пишиб* гапирди, шакар томиб тилидан терга *тушиб* гапирди. Гапирганда ҳам *бўладиган* гапдан гапирди, мажлис аҳлининг кўнгли *тўладиган* гапдан гапирди". Ёки: "Бошда Қорасочга мудирлик малолдай *туюлиб* юрди, бунда чўпонлик қилганим маъқул эди, деб қош-қовоғи *уюлиб* юрди". Парчадаги *"куйиб-пишиб, терга тушиб"; "бўладиган", "тўладиган"; "туюлиб", "уюлиб"* сингари сажланган жумлалар ҳамда "гап" сўзининг бир неча ўринда такрорий қўлланиши шунчаки оҳангдорлик ҳосил қилмай, шоирнинг ғоявий ниятини юзага чиқарувчи восита моҳиятини касб этган. Асардаги воқеалар, асосан, фронт ташқарисида бўлиб ўтади. Унда халқимизнинг фронт ортида туриб қилган фидоийликлари ҳассослик билан очиб берилган. 4. Асар қаҳрамонлари достонларга хос анъанавий эпик образларни эсга солади. Бу кўпроқ Қорасоч ва унинг ўғли Ўринбой образлари тасвирида ёрқин кўринади. Шоир саждан фойдаланиб, бош қаҳрамон Қорасочни китобхонга шундай таништиради: "Қорасоч оғалари ичида олқордай эркин ўсди, ҳам ҳаддили, ҳам ўктам, серҳаракат, шўх дарёдай беором, райҳондай дуркун ўсди... Товонига тушган тим-қора сочлари, қизлар назмича: бир мушки тотор эди, қалдирғоч қанотидай қуйила тушган қошлари устидаги кишмиш холи Новқа олмасини эслатувчи қирмизи юзига зеб бериб, бўйқизларнинг дилида ҳавас уйғотар эди... Наркас, қийиқ кўзлари қиздай қиликли йигитларнинг ҳам кўкайида туғён уйғотар эди. Ҳар киприк, ҳар сифати ё рашкдан, ё ҳавасдан ҳуснига, камолига зимдан боқувчи кишининг умрини узайтар эди". "Равшан" дстонида бош қаҳрамон Зулхумор портрети қуйидагича чизилган: "Равшанбек қараса, Зулхуморнинг камоли, ойдай жамоли, оқ юзида холи, янги тўлган ойдай икки қоши ҳилоли. Равшанбек зеҳнини қўйиб қараса, ясанган ҳурдай, тишлари дурдай, кўзлари юлдуздай, қошлари қундуздай, лаблари қирмиздай, оғизлари ўймоқдай, лаблари қаймоқдай, икки юзи ойдай, тарлон-қарчиғай учадиган қушдай, муҳрланган қоғоздай ялт-юлт этиб ўтирибди. Зулхуморойнинг бу ёғида тўқсон беш, бу ёғида тўқсон беш - ўн кам икки юз кокили бор, бир ёғини тилла сувига ботирган, бир ёғини кумуш сувига ботирган"[2;34]. Эътибор берилса, юқоридаги иккита парча мазмунан яқин, тасвир муштарак. Сабаби, иккаласида ҳам фикр сажъ орқали ифодаланган ва ташбеҳ санъати билан зийнатланган. Тўра Сулаймон Қорасочни таърифлар экан, уни шўх дарёга, райҳонга қиёслайди; сочларини мушки тоторга, қошлари қалдирғоч қанотига, холи кишмиш (қора майиз)га, юзи Новқа олмасига, кўзлари наркас (наргиз гули)га ўхшатади. Шу асосда унинг ташқи гўзаллиги тасвирланади ва китобхонда унга нисбатан муҳаббат уйғотади. Парчадаги *"уйғотар", "сўзлатар", "қўзғатар", "узайтар"* сингари сўзлар ички оҳангдорликни вужудга келтирган ва натижада сажъ яратилган.

“Равшан” достонидан келтирилган парчада эса асарнинг бош қаҳрамонларидан бири Зулхумор портрети чизилган. Эътибор қилинса, сажъ ёрдамида қаҳрамон портретининг чизилиши деярли барча халқ достонларида учрайди. Қорасоч ва Зулхумор бадиий портретини қиёслаганда бир қатор муштарак жиҳатлар кўзга ташланади. Бу кўпроқ қаҳрамонларнинг ташқи гўзаллигини тасвирлаш билан боғлиқ. Аслида сажъ халқ достонларининг насрий қисмига хос бўлган усул ҳисобланади.

Ёхуд шоир машъум уруш туфайли етим бўлиб қолган, бироқ онаси Қорасоч туфайли етимликни сезмай ўсган Ўринбой образига ҳам алоҳида эътибор қаратади.: “Она тарбиясида, мактаб ҳимоясида Ўринбой доғ тушмаган *гулдай* бўлиб ўсди. Чаманда *булбулдай* бўлиб ўсди. Онали етим – гул етим. Етимдай *мунғайиб* ўсмади, еганнинг оғзига, кийганнинг эгнига қараб, *сарғайиб* ўсмади. Кийганда кийим *ярашиб* ўсди, яхшиларга *эргашиб* ўсди, шарқираган *сойдай* бўлиб ўсди, гижинглаган *тойдай* бўлиб ўсди”. Юқоридаги бадиий парча худди шеърдай ўқилади. Унда оҳангдош сўзлар: гулдай, булбулдай; мунғайиб, сарғайиб; ярашиб, эргашиб; сойдай, тойдай кабилар Қорасоч характерини ойдинлаштиришга, муҳаббатининг меваси бўлган ягона ўғлини меҳр билан ўстирганлигини ёрқин ифодалашга хизмат қилган.

Тўлан Низомнинг Бобурга бағишланган “Уч сўз” достони композициясидан Бубна ривояти ўрин олган. Шоир унда халқ достонларига хос насрий шаклни сақлаган. Хусусан, поэтик фикрни бадиий ифодалашда у сажь усулини қўллаган. Буни насрий парчаларнинг деярли барчасида учратиш мумкин. Воқеа ёз кунларида бўлиб ўтгани учун афсона табиат тасвири билан бошланади: “...Деҳқон далага чиққан, чўпон қирларда молию қўйини боққан, сувлар ариқлар лабига ялпизлар таққан...”[3;208] Шу асосда воқеа баёнига киришилади. Парчадаги чиққан, боққан, таққан сингари сўзлар ички оҳангдорлик, мусиқийликни вужудга келтирган. Айни пайтда воқелик содир бўлган вақтни ўзида ифода этади. Ёхуд бошқа бир ўринда: “Бубна кўзларига ёш олиб, туйғулар селида қолиб, идрокни йўлга солиб, отасининг ҳузурига оҳиста кирди... Жалолхон гўё қиз қалбига қулоқ кўчирди, кўзларида чақнаган ҳайрат ўтини ўчирди”. Парчадаги олиб, қолиб, солиб; кўчирди. ўчирди каби сўзлар ички оҳангдорлик касб этган. Сажъ усули ота ва қизнинг руҳий ҳолатини, айниқса, қизнинг изтиробли кечинмаларини очиб беришга хизмат қилган.

Азим Суюннинг “Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча достони” поэмаси ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди. Бу асар жанрий ўзига хосликларга эга. Аввало, композицион жиҳатдан бошқа достонлардан фарқ қилади. Унда бахшиёналар руҳи сезилиб туради. Асар назм ва насрда ёзилган. Бу уни халқ достонларига яқинлаштиради. Мазмун жиҳатдан ягона сюжет чизиғига асосланган.

Поэмада ҳикоя қилинишича, шоир оиласини олиб туғилган қишлоғи Нуротага - Наҳрруд қишлоғига йўл олади. А.Суюн асарнинг насрий қисмида сажъ санъатидан фойдаланади: “Шу йил таътилда бола-чақани олиб, ул-бул, кўч-кўронларни халтага солиб, тараниб-сараниб, керилиб-серилиб киндик қоним тўкилган қишлоғим Наҳррудга кечаси келган селдай бўлиб кириб бордим” (168-б). Парчадаги олиб, солиб; тараниб, сараниб; керилиб, серилиб каби сўзлар насрдаги қофия бўлиб, китобхонни асар руҳига олиб киради.

Сирожиддин Саййид “Тўполондарё билан хайрлашув” достонида замонавий воқеликни сажъ орқали ифода этади: 1. Достон назм ва наср вобасталигида яратилган. 2. Насрий парчаларда сажъ усули қўлланилган. Масалан: “Икки ўғлим ***бор*** эди, мулла. Қаторда турган ***нор*** эди, қизлар уларга ***зор*** эди. Кўксим тўла ***доғ*** эди. Ўғиллари ***тоғ*** эди”[4;132]. Бу суҳбат оҳангида қатағон туфайли юрак-бағри ўртанган оталар сиймоси балқиб юзага чиқади. Шоир 30-йиллар қатағони, уруш йиллари фожиаларини шу усул воситасида ва публицистик оҳангда китобхонга етказади. Ҳақиқатан, достондаги бу насрий парчада ўша йиллар фожиаларини бошидан кечирган кишиларнинг руҳий ҳолати таъсирчан акс этган. Ундаги “нор”, “зор”; “доғ”, “тоғ”; “қилдинг”, “тилдинг”; “чўктирдилар”, “тўктирдилар” сингари ички оҳангдош сўзлар шоирга қалби яраланган отанинг оҳу фиғонини ниҳоятда таъсирчан ва жонли ифодалаш имконини берган. Адабиётшунос Ш.Ҳасанов ҳақли таъкидлаганидек: “Замонавий достонлар композициясидаги насрий парчаларда эпик воқеабандлик эмас, лирик кайфиятни, кечинма таъсирини ифодалаш кучайиб борган”[5;171].

Умуман, поэмачиликда воқеликни сажъ воситасида акс эттириш миллий руҳни, халқчилликни кучайтиришга хизмат қилади. Айни пайтда бу анъанавийлик бўлиб, ўзига хос новаторликни ҳам вужудга келтиради. Чунки шоирларимиз халқ достонларига хос сажни шунчаки асарларига кўчириб қўя қолмайдилар, балки ундан тасвир усули сифатида фойдаланиб, бадиийликнинг янги қирраларини кашф этадилар. Айни пайтда воқеликка ўз шахсий

муносабатларини билдирадилар: ҳис-кечинмаларини акс эттирадилар. Бу хусусият достонларни ўқимишли қилади ва халққа янада яқинлаштиради.

Адабиётлар:

1. Т.Сулаймон. Қорасоч.- Т., 1965
2. Равшан. Достон. (Нашрга тайёрловчи Ҳ.Зарифов).- Т., 1954
3. Тўлан Низом. Сайланма. 1-жилд, Баҳорий фасллар.–Т., 2007
4. Сирожиддин Саййид. Қалдирғочларга бер айвонларингни.- Т., 2005
5. Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек достонларининг поэтикаси: Филол фан. докт... дисс.- Самарқанд, 2004, 171-б.

Бухоро давлат университети,
2009 йил 15 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. С.Мирзаева)